

Малайзияда Куръон мусхафларини чоп этиш ва муковалаш учун “Куръон” нашриёти мажмуаси барпо этилди

Бу ҳақда Малайзия бош вазири ўринбосари доктор Ахмад Зоҳид Хумайдий катталиги жихатдан иккинчи ўринда турадиган, 60 миллион рингит (15 миллион АКШ доллари) кийматидаги мажмуанинг очилиш маросимида шундай деди: “Ўтган йили барпо этилган бу мажмуа бошқа нашриёт жамоалари билан мусобакалашиш учунгина ташкил этилгани йўқ. Балки мақсад Малайзияда Куръон мусхафларини чоп этишни янада ривожлантириш билан бирга уни халқаро миқёсга олиб чиқишдир”. Шунингдек, “Биз Мадинаи Мунавварадаги нашриёт маркази фаолиятини юксак баҳолаймиз. Лекин Ўрта Шарқ ва бошқа мамлакатларда бўлгани каби Малайзияда ҳам Куръони Карим чоп этишда ўзига хос услуб ҳамда Малайзия Мусхафи бўлишини истаймиз”, дея қўшимча қилди.

Манба: assabeel.net